



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.  
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 24-sentyabr, payshanba, 107 (23.387)-son

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 75-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Раис Вўлкан Бозкир жаноблари!  
Муҳтарам Бош котиб Антониу Гутерриш жаноблари!  
Хурматли делегациялар раҳбарлари!  
Хонимлар ва жаноблар!

Бош Ассамблеянинг етмиш бешинчи сессияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида биринчи марта бутунлай янги форматда – коронавирус пандемияси туфайли онлайн мулоқот режимида бўлиб ўтмоқда.

Бундай глобал фалокат сайёраимизда сўнгги юз йилда кузатилмаган эди. Бу офат бутун инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатди. Ҳозирги таҳлика-ли ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртаимизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади.

Шу йўлда барчамиз ҳукуматлар, парламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро сазой-ҳаракатларини бирлаштириш, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халқаро шерикликни мувофиқ ҳолда ривожлантириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш лозимлигини чуқур англадик.

Мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир.

Бу борада биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида **Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни** ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Ушбу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши лозим.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!  
Биз Ўзбекистонда COVID-19 қайд этилган дастлабки кунлардан бошлаб барча сазой-ҳаракат ва ресурсларимизни бу хавфли касалликни жоловлаш ва энг асосийси – одамлар ҳаётини сақлаб қолишга қаратдик.

Пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш учун ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимлари кескин кучайтирилмоқда, аҳолига, иқтисодиёт тармоқлари ва бизнесга манзилли кўмак кўрсатилмоқда. Шу мақсадда махсус жамағатлар тuzилди.

Фурсатдан фойдаланиб, синовли дамларда бизга беғараз ёрдам кўрсатган барча дўст ва ҳамкорларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Биз халқаро ҳамжамиятнинг пандемияга қарши самарали курашиш бўйича барча ҳаракатларини, жумладан, зарур дори-дармон ҳамда вакциналар ишлаб чиқиш ва улардан кенг фойдаланишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, Бош котиб Антониу Гутерриш жанобларининг бугунги инқирозли вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган саммитни ўтказиш бўйича таклифини маъқуллаяймиз.

Хурматли Бош Ассамблея сессияси иштирокчилари!

Бундан уч йил муқаддам мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий минбаридан Ўзбекистоннинг туб ислохотларни амалга ошириш бўйича қарори қатъий эканини айтган эдим.

Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортага қайтмайдиган тус олди.

Ўтган йили Парламентнинг ўтказилган сайловлар аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири ошганини намойиш этди. Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига жавобан шу йилнинг ўзида 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам

вазият кескин яхшиланди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш биз учун доимий муҳим вазифадир.

Судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши муросасиз кураш янги босқичга кўтарилди.

Бу борада муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мустақил тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жадал давом эттирилмоқда. Биз биринчи марта камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримизни очик эълон қилдик. Бунга тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда замонавий инфратузилмани барпо этиш, одамларни янги касб-ҳунарларга ўргатиш ва аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали эришмоқдамиз.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Республикаимизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намойён этиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда.

Август ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Самарқанд халқаро форуми муваффақиятли ўтказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор **Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини** қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақи-раман.

Бундан ташқари, **Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини** қабул қилишни таклиф этамиз.

Хурматли дўстлар!  
Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Биз минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва хурмат муҳитини яратишга эришдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусга асосан мунтазам ўтказилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари умумий ютуғимиз бўлди.

Охириги тўрт йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми салкам беш баробарга ўсди. Мамлакатларимиз ушбу синовли кунларда бир-бирини ёлғиз қолдирмасдан, ўзаро елкадош бўлдилар.

Бугун Марказий Осиё давлатлари олдида муҳим стратегик вазифа турибди. У ҳам бўлса, минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлақларига чуқур интеграциясини таъминлашдир.

Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида **Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очини** таклиф этамиз.

Бугунги кунда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал антитеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Биз ушбу стратегия доирасидаги **Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш** тарафдоримиз.

Маълумки, минтақамизнинг кўҳна ва бой маданий мероси глобал аҳамиятга эга. Биз 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида **“Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” деган мавзуда халқаро форумини ўтказишга тайёремиз.**

Хурматли сессия иштирокчилари!  
Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиламиз. 2018 йил март ойида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги Тошкент конференцияси афғон муаммосини ечиш учун халқаро ҳамжамият сазой-ҳаракатларини сафарбар этишда янги босқич бўлди.

Биз жорий йилнинг сентябрь ойида Доҳа шаҳрида афғон сиёсий кучлари ўртасида бошланган тинч-

лик музокараларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Бу музокаралар жафокаш афғон заминидан тинчлик ва барқарорлик ўрнатишига умид қиламиз.

Минтақада иқтисодий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб этиш мақсадида “Сурхон – Пули Хумри” электр узатиш тармоғини, Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиغان темир йўл қурилиши каби ириқ инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга киришдик.

Фикримизча, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий эътибор марказида бўлиб қолиши зарур.

Фақат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада “Беқарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари” деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир. Шу боисдан **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш лозим.** Ушбу қўмитанинг асосий вазифаси Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур.

Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!  
Давримизнинг ўткир муаммоларидан яна бири – глобал иқлим ўзгаришларидир. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф тўғдирмоқда.

Этиборингизни яна бир бор Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларига қаратмоқчиман. Оролбўйи ҳудуди экологик фожанинг марказига айланди. Биз мавжуд аҳволни яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширишмоқдамиз.

Мамлакатимиз ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст фонди тuzилди. Умид қиламизки, ушбу фонд оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлиб хизмат қилади.

**Биз Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этамиз. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган сани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўларди.**

Хурматли хонимлар ва жаноблар!  
Сўзимнинг якунида яна бир фикрни таъкидлашни истардим. Жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётгани, зиддият ва ўзвонликлар ортиб бораётгани, экологик офатлар ва бошқа замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини кучайтирмоқда.

Бу муаммолар айниқса пандемия шароитида кескин тус олмоқда. Тобора ташвишли оҳанг касб этаётган қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини, барчамизни безовта қилиши зарур.

**Шу муносабат билан қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф этамиз.**

Қадри дўстлар!  
Барчамизга равшанки, пандемиядан кейинги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий манзараси бутунлай бошқача тус олади.

Биз хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янги ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мувофиқлаштирувчи халқаро тузилма сифатидаги марказий ўрнини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистон жаҳоннинг барча мамлакатлари билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли шерикликни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг институтлари билан амалий мулоқотни ривожлантириш учун доимо тайёр.

Этиборингиз учун раҳмат.

## 2030 йилгача биометрик паспорт ўрнига ID-карталар жорий этилади

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра 2021 йил 1 январдан бошлаб шахсни рақамли идентификация қилишнинг ягона тизими жорий қилинади.

Биометрик паспортлар ўрнига Ўзбекистон фуқаросининг шахсини ва фуқаролигини тасдиқлайдиган электрон ташувчи курилмага эга ҳужжат сифатида ID-карта жорий этилади.

Биометрик паспортлар ҳамда яшаш гувоҳномалари ID-карталар кўйидаги муддатларда алмаштирилади:

- **Биринчи босқич** - 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида (16 ёшга тўлганда ёки қонунчиликда кўрсатилган бошқа сабабларга кўра);
- **Иккинчи босқич** - 2023 йил 1 январдан 2029 йил 31 декабргача мажбурий тартибда алмаштирилади.
- **Ўзбекистон фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти 2030 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.**

ID-карталарни олиш ва алмаштириш учун хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қилиш мумкин.

Хозирги биометрик паспортларни расмийлаштириш муддати 10 иш куни бўлган бўлса, ID-карталарни расмийлаштириш эса 1 иш кунини амалга оширилади.

**ID-карта кўйидаги муддатларга берилади:**

- янги туғилган болага бир ёшгача – 2 йил муддатга;
- бир ёшдан 16 ёшгача – 5 йил муддатга;
- 16 ёшдан бошлаб – 10 йил муддатга.

ID-картани расмийлаштириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 89 фоизи, **яъни 198 минг 470 сўм (2020 йил 22 сентябрь ҳолатида)** миқдоридан тўлов ундирилади.

Фуқаро ID-картасини олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаган, яроқсиз ҳолга келтирган ва йўқотиб қўйган тақдирда, **маъмурий жавобгарликка тортилмайди.**



Юртимиздаги тадбиркорлик субъектлари ҳамда автомобилсозлик корхоналари ўртасида саноат кооперацияси алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш мақсадида ташкил этилган кўргазмада Вазирлар Маҳкамаси, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти ва савдо-саноат палатаси масъуллари, вилоят ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари, вилоятимиздаги автомобилсозлик корхоналари раҳбарлари, вилоятлардаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар қатнашди.

Президентимиз шу йилнинг 21 август куни Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида бўлиб, юртимизга импорт қилинаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва тадбиркорлар билан кооперация алоқаларини ривожлантириш бўйича топшириқлар бергани, дейди вилоят ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси Нозир Ибрагимов. – Ушбу топшириқ асосида жорий йилнинг 28 август куни вилоятимизда ҳам шундай кўргазма ташкил этилди.

Депутат анкетаси

- 1. Сайлов округингизда 2020 йилда қандай лойиҳалар режалаштирилган? Улар ижросига киришилганми?
- 2. Депутат сифатида бевосита ўзингиз сайланган сайлов округида маҳалла ёки меҳнат жамоасида қандай тadbир ўтказдингиз?
- 3. Сиз томонингиздан юборилган охириги депутатлик сўровининг мазмуни ва натижасини шарҳланг.

«Агробанк» депутатлик сўровимга мавҳум жавоб қайтарди

1. Округ 35 мингга яқин аҳоли яшайдиган 13 та маҳаллани ўз ичига олади. Жорий йилда ҳудудда бир канча лойиҳалар режалаштирилган. Мисол учун, Сафохўжа маҳалласи учун янги бино қурилмоқда. Муродобод маҳалласи Кубай қишлоғида кам таъминланган оилалар учун июнь ойида субсидия асосида 0,5 сотихли 9 та иссиқхона қурилди.



2019 йилда Халқобод қишлоғи «Обод қишлоқ» дастури асосида ободонлаштирилган эди. Аммо ажратилган маблағ етмай қолгани учун қурилиш ишлари тўлиқ якунланмаган. Жумладан, 5-умумий ўрта таълим мактаби, 17-МТТ, оилавий поликлиника биноси ва марказий кўчага асфальт ётқизиш ишлари охирига етказилмади. Ушбу лойиҳани якунига етказиш юзасидан туман ҳокимлигига депутатлик сўрови юбордим. Чала қолган ишларни тўлиқ ва сифатли якунлаш жорий йилнинг тўртинчи чорагига режалаштирилганлиги ҳақида жавоб олдим.

2. Ўтган даврда округ ҳудудини янада яхшироқ ўрганиш ва аҳоли ҳаёти билан яқинроқ танишишга ҳаракат қилдим. Шу маънода айтишим мумкинки, ҳудудда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва тadbиркорлик субъектлари кам бўлгани боис аҳолини ишсизлик муаммоси қийнайди. Аксарият кўчалар чанг ва тупроқ, асфальт ва тош ётқизиш керак.

Карантин сабабли асосан аҳолининг кам таъминланган ва камбағал қатлами билан иш олиб боришга ҳаракат қиляпман. Охириги мартта «Иштихон деҳқон бозори» ҳудудида савдо дўконлари ва пештахталардаги санитария талабларининг бажарилиши, озиқ-овқат маҳсулотлари нархини ўргандим. Митан деҳқон бозорида ҳам шундай назорат ишларини ўтказиб, бозорлардаги тadbиркорлар ва масъуллар иштирокида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бордик.

3. Жорий йил 6 июлда Иштихон туман «Агробанк» АТБ га депутатлик сўрови билан чиқдим. Сафохўжа қишлоғида яшовчи тadbиркор Дибёр Саидовнинг 6 ойдан бери кредит олиш учун берган аризаси қаноатлантирилмаётганлигига асосли тушунтириш бериш ёки масалани ҳал қилиш ҳақидаги сўровим ижобий ечим топмади. Банкдан аризачининг навбати келса кредит ажратилиши ҳақида жавоб олдим.

**Феруза ТОҒАЕВА, 26-Халқобод сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати.**

Фарҳод шаҳарчаси қишга тайёрми?

Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уйлари куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларининг бориши билан танишиш мақсадида Фарҳод шаҳарчасида бўлдик.

Шаҳарчада 33 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, барчаси 2018-2019 йилларда «Обод маҳалла» давлат дастури асосида таъмирланган экан. Аммо ҳалигача қурилиш корхоналари томонидан айрим уйлари таъмирлаш ишлари якунига етказилмаганига гувоҳ бўлдик.

Хусусан, «Капитал дельта сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли икки қаватли 3-, 7-, 8-, 11-уйларда бир хил муаммо кузатилди, яъни сифатсиз таъмирлангани боис, фасад қисмидаги сувоқлар кўпорилган. Бизга маълум қилишларича, бу уйлари «Самарқанд гарнет строй монтаж» МЧЖ амалга оширган.

Ширкатда яқинда иш бошладим, ҳали қурувчилар ишини қабул қилиб олганим йўқ, - дейди «Капитал дельта сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Рустам Эргашев. - «Самарқанд уй-жой таъмир» ДУК томонидан ҳудуддаги тўрт қаватли 30-, 31-уйларнинг олд қисмида бетон қопламалар ётқизиш, совуқ сув ва оқова сув қувурларини алмаштириш, ертўла ва хонадонларга кириш йўлакларини таъмирлаш охирига етказилмади. Бунинг сабабини сўрасам, қурувчилар «ажратилган маблағ бу ишларни амалга ошириш учун етмади», деб айтишди.

Бунёд маҳалласидамиз.

- 60-уй «Самарқанд уй-жой таъмир» ДУК томонидан таъмирланди, - дейди «Бунёд замин» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Собир Очилов. - Асосий муаммо уйларининг ирригация тизимини янгилаш яқунланмасдан қолганида. Шунингдек, ертўла қисми оқланмади, электр шитлари, йўлаклар таъмирланмади ва кириш эшикларига замонавийсига алмаштирилмади. Том қисмидаги мўриконлар ичкарида қолиб кетди. Бундан ташқари, «Шухрат» хусусий корхонаси томонидан 57-, 58-, 59-, 61-уйларнинг ирригация тизими чала ҳолатда қолди ва уй олдига бетон қопламаси тўлиқ



ётқирилмади. Иккала қурилиш корхонасига 990 миллион сўм берилган бўлса-да, маблағ етмади дея ишлар якунланмади. Шу сабабли уйлари ҳали қабул қилиб олмадик.

Ширин маҳалласида ҳам юқоридаги сингари бир қатор муаммоларга дуч келдик.

- Икки қават, 24 хонадонли 1"А", 3 "А"-уйлар ҳамда тўрт қават, 48 хонадонли 2"А"-уйлар «Самарқанд уй-жой таъмир» ДУК томонидан таъмирланди, - дея гапида давом этди ширкат раиси С.Очилов. - Сметада бу уйлари таъмири учун 1 миллиард 180 миллион сўм кўрсатилган бўлиб, шундан 440 миллион сўм «Самарқанд уй-жой таъмир» ДУКга берилди. Ажратилган маблағ етмагани сабабли корхона томонидан қўшимча 260 миллион сўм сарфланди. Аммо қурилиш корхонасига маблағ ўтказиб берилмагач, 1 "А"- уйнинг оқова тизими янгиланмасдан қолди. Буларай майдончаси қурилмади, уй олдига ўриндиқлар ўрнатилмади. 1"А" ва 3 "А"-уйлар сифатсиз таъмирлангани боис, деворлари нураб кетган.

Шунча маблағ сарфланиб, таъмирланган 1"А"-уйнинг оқова тизими янгиланмагани боис, ертўла сув билан тўлиб, антисанитария ҳолатида турибди. Ертўладан чиқаётган бадбўй хид тўфайли аҳоли ертўлага кириш эшигини девор билан ёпишга мажбур бўлган. Аҳолининг айтишича, ўзлари пул йиғиб, уч-тўрт мартаба махсус машинада сувни чиқаришган. Аслида кўп-қаватли уйларида бу ишларни ширкат бажариши керак, аммо шу ҳудудда яшовчи аҳоли негадир ширкатга аъзо бўлишни хошламаяпти.



Яна бир гап. Аҳоли Ширин маҳалласи раиси Отабек Йўлдошев фаолиятдан ҳам норозилигини билдирди.

- Маҳалламиз раиси бу ҳудудга келиб, муаммолар билан қизиқмайди, - дейди шу ерда яшовчи Гулсанам Аҳмедова. - Иккинчи гуруҳ ногирониман, ақалли дардимизни сўрамайди, раис нима учун керак унда? Бу каби масалаларни у киши ҳал қилиб бериши керак эмасми?

Фарҳод шаҳарчасида мана 20 йил бўлибдики иссиқлик манбаи ва иссиқ сув йўқ. Аҳоли хонадонини табиий газ ва электр энергияси билан иситишга мажбур бўлмоқда. Уйларга алоҳида иситиш қурилмалари ўрнатилиши ҳақида режа ҳам, лойиҳа ҳам йўқ.

Хуллас, Фарҳоддаги уйлари таъмирлашга тайёргарлиги мана шундай ҳолатда. Бу муаммолар совуқ кунларга ечим топадими ёки аҳоли яна қишда иссиқ кунларни кутиб яшайдими? Буни вақт кўрсатади.

**Ҳусан ЭЛТОВЕВ, Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ, «Зарафшон» муҳбирлари.**

Ишлаб чиқарувчи ва тadbиркор манфаати

кооперация кўргазмасида бирлашди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўтган вақт давомида вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан 300 дан ортиқ тadbиркор келиб 37 йўналишда меморандум имзолашди. Бу галги кўргазмада республикамизнинг барча ҳудудларидан 200 дан ортиқ ишлаб чиқарувчилар келиб, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган маҳсулотлар билан танишди.

- Биз энгил ва юк автомобиллари учун 100 дан ортиқ ёритиш чироклари, ён кўзулар ишлаб чиқарамиз, - дейди Наманган вилоятидаги «KADEER PARTS INDUSTRY» хорижий корхонаси директори Меҳрузбек Жўраев. - Маҳсулотимизнинг бир

қисмини ички бозорга ҳамда МДҲ давлатларидан ташқари, Корея, Хитой ва Европага экспорт қиламиз. 28 августда ташкил этилган кўргазмада Самарқанд вилоятидаги 3 та корхонага 3 минг жуфт ёритиш чироклари етказиб бериш борасида меморандум имзолагандик. Бугунги кўргазмада маҳаллийлаштириш мураккаб бўлмаган маҳсулотларни аниқлаб, корхонамизда ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганилди.

Кўргазмада ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар ўртасида В2В форматида учрашувлар ўтказилди.

**Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ, Алишер ИСРОИЛОВ олган сурат.**

Жорий йилда вилоятимиздаги пахтачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан 75 минг 580 гектар майдонда пахта етиштирилиб, 215 минг 500 тонна ҳосил олиш учун пухта замин ҳозирланди.

Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

Айни пайтда айрим ҳудудларда пахта йиғим-терими бошланди. Жумладан, Нуробод туманидаги 31 фермер хўжалиги бу йил 632 гектар майдонда ғўза парваришлаб, ҳозирда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга киришган. Пахта хомашёси «Самарқанд камалак инвест» кластер корхонаси томонидан қабул қилинмоқда.

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи 1200 нафардан ортиқ ишчи, меҳнатга лаёқатли кишилар билан белгиланган тартибда шартнома тузилиб, 14 та терим отряди ташкил этганмиз, - дейди туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази

бошлиғи И.Бердиқулов. - Уларга ўз ҳақ-ҳуқуқлари, меҳнатга оид муносабатлар тушунтирилган. Мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик юзасидан маҳалла раислари ҳам, фермерлар ҳам огоҳлантирилган. Ҳозирча қонунбузилиши ҳолатлари қайд этилмади, бу ҳақда мурожаатлар ҳам тушмади.

Шу кунларда вилоятимизда бўлиб турган Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат гуруҳ Нуробод тумани пахта далаларида бўлиб, теримчилар учун яратилган шарт-шароит билан танишди, улар билан суҳбатлашди.

Пахта – 2020

- Бугун даладарда қийғос очилиб турган ҳосилнинг ўз эгаси бор - фермер, кластер корхоналари меҳнати самарасини ҳам ўз вақтида, сифатли йиғиштириб олишни истайди, - дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Боқиев. - Лекин барибир пахта йиғим-теримида маҳалла аҳолиси, мавсумий ишчилар меҳнатидан фойдаланишга тўғри келади. Яхши биласиз, эндиликда бу жараённи аввалгидек одамларни ёппасига далага чиқариш билан амалга ошириш мумкин эмас. Бу борада тегишли ҳуқуқий асослар яратилиб, мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди. Биз ҳам жойларда бўлганимизда бу ҳақда теримчилар ва фермерлар билан суҳбатлашяпмиз. Теримчиларга кунлик ҳақ тўланаётгани, даланинг ўзида иссиқ овқат ва бошқа шароитлар яратилгани тўғрисида аҳолининг ўзи кўнгилли равишда чиқиб, даромад қилаётганига гувоҳ бўлдик.

Оқдарё тумани иккинчи сектор:

Камбағалликни қисқартириш қай даражада уддаланмоқда?

Оқдарё туманидаги ҳудудлар қисмидаги тўрт сектордан бирига туман прокуратураси масъул. Ушбу тизим ходимлари, умуман, секторга бириктирилган вакиллар зиммасига юклатилган вазифаларни қандай бажармоқда?

- Фаолиятимизнинг асосий мазмуни - эҳтиёжмандларга моддий ёрдам кўрсатиш ёки маслаҳатлар беришига эмас, балки ҳудуддаги 9 маҳалладаги «темир дафтара»га киритилган 350 та кам таъминланган оилага қафолатланган даромад манбаини яратишдан иборат, - дейди 2-сектор котиби Фаррух Мирзаев. - Шу кунга қадар, камбағал оилаларнинг турмуш тарзини яхшилаш учун уларнинг аъзоларидан 400 нафари доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, 15 та даромад паст ёки ноқор оилага субсидия асосида иссиқхоналар қуриб берилди. Мазкур фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган яна 50 га яқин оилага имтиёзли кредит маблағлари ажратилишида ёрдам кўрсатилди.

«Энди камбағал эмасман»

Рустам Холиқов Оқдарё тумани Пахтабод маҳалласи мустақиллик қишлоғида яшайди. У сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари кўрсатган ёрдамдан беҳад мамнун. Негаки, бугун унинг хонадонида бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Ҳатто бўш вақт ҳам топилмайди.

- Оилада тўрт жонимиз, - дейди Рустам Холиқов. - Рост, у иш, бу иш билан шуғулланиб, бирим икки бўлмаган. Пандемия даврида

камбағаллар рўйхатида олишди. Аввалбошда бироз ноқулай бўлди. Бугун кўрсатилган ёрдам, берилган эътибордан хурсандман. Бизга нима ёрдам қилишди: аввало коллежни тугатган ўғлим Самарқанд шаҳридаги «8 март» фабрикасига ишга жойлаштирилди. 4-5 ойдан буён ишлаб келяпти, ойлик маоши ёмон эмас. Ўзим фермер хўжалигида тракторчилик қиляпман. Бугун-эрта яна мавсум бошланади - тракторга ўрнатилган ускуна билан 1 тонна ловияни тозалаб берсам иш ҳақига 50 килограм ловия оламан. Бир кунда 3 тоннагача ловияни янчиб беришим мумкин.

Сектор раҳбарлари бош бўлиб, 1 сотихли иссиқхона қуриб беришди. Бу ерда бодринг парваришляпмиз. Кун ора 40 килограм бодринг териб 2,5-3 минг сўмдан сотяпмиз. Бодринг энди «қариди», деб юлиб ташламоқчи эдим. Лекин мутахассислар «ҳали ҳосил беради, яна бир ойлара оласиз, ўрнига помидор экин», деди. Уларнинг айтишича, иссиқлик таъминотисиз ҳам қишда помидор ҳосилини бозорга чиқарсам бўларкан.

Рустам ақанинг ҳовлисида бўлганимизда бир гала товукларни ҳам кўрдик. Айтишчи, оппоқ тусли, юршига қийналиб турган бу 60 бош парранда сектор раҳбари ташаббуси билан тadbиркорлар томонидан берилибди. Биттасини ошга босамиз, уйга қиринглар, дейди Рустам ака.

ЛОВИЯ - АҲОЛИСИ МУСУЛМОН ДАВЛАТЛАРДА ХАРИДОРГИР

Камбағал оилаларнинг 123 таси босқичма-босқич рўйхатдан чиқарилди, - дея сўзида давом этди Ф.Мирзаев. - Бунда албатта, ўша оила аъзоларининг фаоллиги, ҳаракати муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, «темир дафтар»да қайд этилган оилаларга фермер хўжаликлари билан галладан бўшган майдонларида такрорий экин учун ер таклиф қилинди. Бунга хоҳиш билдирганларга 2 гектаргача ер майдони, экин экиш учун тайёр қилиб берилди. Энг муҳими, ловия экмоқчи бўлганларга зарур миқдордаги уруғлик таъминотчи корхона томонидан бепул ажратилди.

- Оқдарё туманида такрорий экин учун асосан ловия етиштирилади, - дейди «Пичоқчи дрео фруктс» корхонаси иш юритувчиси Афраим Сулейманов. - Чунки бу ерда ловиянинг ҳосилдорлиги бошқа жойларга нисбатан юқори бўлади. Айнан шунинг учун корхонамизни шу ерда ташкил қилганмиз. Бир кунда 8-10 тоннагача ловияни саралаб, қадқордағи. Маҳсулотларимиз асосан Эрон, Грузия ҳамда Россия Федерациясининг Чеченистон Республикаларига экспорт қилинади. Жорий йилда 5 минг тонна маҳсулот экспорт қилишни режалаштирганмиз. Табиийки, ҳосил кўп бўлишидан аввало ўзимиз манфаатдормиз. Шу боис, туман прокурори бизга аҳолига бепул уруғлик беришни таклиф қилганида бажонидил рози бўлдик. Эрта-индин тайёр бўлган ҳосилни ҳам бозор нарҳида ўзимиз харид қиламиз.

Дарвоқо, корхонамизда бугунги кунда 30 нафар хотин-қиз ва 10 нафар йигит ишлаяпти. Туман ҳокимлиги, прокуратура ёрдами билан фаолиятимизни янада кенгайтириб, келгусида ишчилар сонини 100 нафарга етказишни режалаштиряпмиз.

«КАМИДА 10 МИЛЛИОН ДАРОМАД ҚИЛАМАН»

Бу Алишер Навоий маҳалласида яшовчи Чарос Эралиевани орзу-ниятлари. Унинг айтишича, галладан бўшган ярим гектар ерда такрорий экин сифатида ловия эккан.

- Ловия тўлиқ пишиб етилса, икки тоннагача ҳосил олиш мумкин экан, - дейди Ч.Эралиева. - Агар бир тонна ҳосил олганимизда ҳам бу айни пайтда 10 миллион сўм соф фойда дегани. Чунки ерни тайёрлаш ёки уруғлик учун харажат қилмаганмиз. Рост, пандемия сабаб давлатнинг жуда катта ёрдамини ҳис қилдик.

Сектор ҳудудини айланарканмиз, маҳалла раислари ва сектор мутасаддиларининг ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ўз самарасини бераётганига гувоҳ бўлдик. Муҳими, амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, аниқ мақсад ва режа асосида фаолият олиб борилмоқда.

Мисол учун, сектор ҳудудидаги Бозоржой маҳалласида жорий йилнинг ўтган даврида 3 та корхона фаолияти йўлга қўйилди. Ҳудудда юзлаб фуқароларни иш билан таъминлаган корхона маҳсулотларини экспортга йўналтириш чоралари кўрилмоқда.

35 МИНГ АҲОЛИНИНГ БАРЧАСИ ЭЪТИБОРДА

Бугунги кунда «темир дафтар»да 130 га яқин оила бор, - дейди Ф. Мирзаев. - Бу биз фақат мазкур оилалар билан ишлашимизни билдирмайди. Ўтган давр мубайнида ҳудудда 20 га яқин корхона фаолияти йўлга қўйилди. Шароити, имконияти ва энг муҳими, хоҳиши бўлган 15 хонадонга ҳомийлар томонидан чорва моллари олиб берилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳудуддаги фуқаро борки, унинг яшаш шароити, оилавий аҳволи, ҳатто саломатлиги билан боғлиқ ҳолатлар ҳам доимий эътиборимизда бўлади.

Ё.МАРҚАЕВ.



ТАРБИЯ БОЛА КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

# Гавҳаршодбегимнинг ўз муҳри бўлган



1420 йилда асос солинган, асрлар оша фаолият олиб бориб, бугунга келиб ўз кадр-қимматини топган олий мадраса бунёдкори Мирзо Улуғбек ҳақида сўз кетганда, унинг волидаи муҳтарамаси Гавҳаршодбегим ҳам ёдга олинади.

Бўлғуси малика Хоразмда ҳукмронлик қилган сўфийлар сулоласига мансуб, Чигатой улуси найман амирларидан Ғиёсиддин Тархоннинг қизи бўлиб, Амир Темурнинг тўртинчи ўғли, Хуросон хукмдори Шохруҳ Мирзонинг рафиқасидир.

Муаррих Шарафиддин Али Яздий Шохруҳ Мирзо ва Гавҳаршодбегимнинг тўйлари темирйозда ака-ука Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммад Мирзоларнинг тўйи билан бирга ўтганлигини қуйидагича таърифлайди: "Ҳар бирига бир ҳури нажот қизни шаърий мутаҳҳара йўсини била берди ва Боғи Биҳишда тўй қилди". Бу воқеа ҳижрий 790 (милодий 1388) йилда содир бўлади. Никоҳ маросимидан сўнг улар Ҳиротга қайтиб келдилар. Бу никоҳдан уч ўғил (Улуғбек Мирзо, Бойсункур Мирзо, Жўки Мирзо) ва икки қиз фарзанд туғилди.

Шохруҳ Мирзо ниҳоятда ҳалим табиат, маданиятли киши бўлиб, фарзандлари ва набираларига қанчалик эътиборли бўлган бўлса, уларни дунёга келтирган маликаларнинг ҳурматини ҳамisha ўз ўрнига

қўйган. Айнқиса, Гавҳаршодбегим ўз ақл-идроки, тадбиркорлиги, ҳусну латофати билан Шохруҳ Мирзонинг ишончини қозонган. Айрим пайтларда у девон ва салтанатни бошқаришда Шохруҳ Мирзога маслаҳат берган.

Тарихчи олим Амриддин Бердимуродов ўзининг "Самарқанд тарихидан томчилар" номли мақолалар тўпламида Гавҳаршодбегимнинг ҳатто шахсий муҳрига эга бўлганлигини ёзади. Бу маликанинг айрим давлат ишларида ўзи қарор қабул қилиб, унинг ижросини кузатганини, тасдиқлаганини кўрсатади. У тўқ яшил мохтобдан, тўқ яшил рангда, (нефритдан) бодомсимон шаклда ясалган бўлиб, сиртига сулс ёзувида арабча хат билан "Гавҳаршодбегим Ғиёсиддин Тархоннинг қизи", деб ёзилган. Маликанинг бу муҳри бугунги кунгача етиб келган тош ўймакорлигининг гўзал намунасидир. Бу ноёб ёдгорлик ҳозирда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида СА-13650 рақами остида сақланади.

Табиатида бунёдкорлик хусусияти бўлган маликанинг фармонига кўра, Машҳада

даги машҳур қадимчи бўлган Имом Ризо қабри ёнида 1418 йилда ғоятда ҳашаматли жомеъ масжиди қурилиши бошланади. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий бу қурилиш ҳақида маълумотлар бериб ўтган.

Маълумотларга кўра, Гавҳаршодбегимнинг тўнғич фарзанди Мирзо Улуғбекнинг тарбияси гўдаклигидаёқ Бибиҳонимга топширилган. Малика ўғлини кўриш учун Самарқандга келиб турган. Маликанинг навбатдаги ташифи 1420 йилга тўғри келади. Бу санада Мирзо Улуғбек ўзи барпо этган мадрасайи олияни қуриб битказган бўлиб, ўз фаолиятини бошлаган эди.

Мирзо Улуғбек барпо этган улуғвор мадрасайи олияни кўргач, унинг гўзаллигига мафтун бўлган малика Ҳиротда ҳам шундай мадраса қуриш ниятини кўнглига тугади. Шунда у мадрасанинг тарҳини чизган меъмор ва моҳир усталар кимлиги билан қизиқди ва уларни Ҳиротга таклиф этди, қурилиш ишларини бошлаб юборди. Орадан 12 йил ўтиб, Ҳиротда Мусалло ансамбли қад кўтарди.

Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим мадрасаси унинг вафотидан сўнг ўз даври учун ҳам, кейинги даврлар учун ҳам илм-маърифат маркази сифатида фаолият олиб борган. Муаррих Гавҳаршодбегимнинг фожиаво

ли вафоти тафсилотларини баён қилар экан, Шохруҳ Мирзодан сўнг уларнинг набиралари тахт талашади. Оқибатда Хуросон тахти учун кураш бошланиб, фитналар авж олади. Ушбу фитналарнинг айримлари Гавҳаршодбегимга қаратилган бўлиб, 1457 йил 31 июль кунини саксон ёшни қоралаб қолган Гавҳаршодбегим қатл этилади ва ўзи қурдирган мадраса қошидаги хонақоҳга дафн этилади. Бу қотиллик Абу Саид Мирзо фармони билан амалга оширилади.

Гавҳаршодбегимнинг маърифатпарвар сифатида барпо этган мадрасаси, масжиди хонақоҳи меъморий ёдгорлик сифатида ҳозирда ҳам Ҳиротда қад кўтариб турибди. Қобул шахрида 2003 йилда очилган хотин-қизлар университети фаолият олиб бормоқда. Университет малика Гавҳаршодбегим номи билан юритилади.

Мирзо Улуғбек, бир ўринда онаси ҳақида гўзал ташбеҳни айтиб ўтган экан. "Онаминг исми-ю кўзларигина гавҳар эмас, балки ақли ҳам гавҳар эди".

**Маҳмамой ТУРСУНОВА,**  
**СамДУ профессори в.б.**  
**Шарофат ТҲУЛИЕВА,**  
**СамДУ хотин-қизлар масалалари бўйича ректор маслаҳатчиси.**

## Вилоятда жорий йилнинг 8 ойи давомида 77 та давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотлари очилди

Вилоятда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш юзасидан қиймати **322,4** миллиард сўмлик **142** та лойиҳалар юзасидан битимлар тузилган бўлиб, **108** та лойиҳага жами қиймати **164,1** миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган.

Бугунги кунда қиймати **177,1** миллиард сўмлик **77** та давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилоти ишга туширилди. Йил якунига қадар яна қиймати **145,3** миллиард сўмлик **65** та мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Натижада **12** мингдан ортиқ болалар мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинади ҳамда **1700** га яқин янги иш ўринлари яратилади.

## Қишлоқдаги боғчага шаҳардан болалар келади

Каттақўрғон тумани Қоракўча қишлоғидаги 50 ўринли "Иброҳим Нур" давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотида болажонлар учун барча замонавий шарт-шароит яратилган.

- Боғчамиз 1 миллиард 200 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари асосида бунёд этилди, - дейди боғча мудираси Ноила Эшонқулова. - Муассасамизга нафақат ҳудуддаги Чиганок, Кумушкент, Кушбеги, Яккабоғ маҳаллаларидан, балки Каттақўрғон шаҳридан ҳам болажонлар кели



лишади. 5 та гуруҳда тарбияланаётган тарбияланувчилар учун мусика, рақс, бадий гимнастика, қарате, логопед каби тўғарақларимиз фаолият юритади.

Бугунги кунда Каттақўрғон туманида 3-7 ёшгача бўлган болаларнинг 58 фоизи мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.**  
**Суратларда:**  
Боғча фаолиятдан лавҳалар акс этган.



Пайриқ тумани Гўзал маҳалласида яшовчи Нафиса Олтинова Халқобод кўчасида жойлашган маиший техникалар марказидан автомат кир ювиш машинасини сотиб олди. Уйига олиб келиб ўрнатгач, қисқа вақт ичида машина ишламай қолди. Носоз чиққан маҳсулотни савдо марказига олиб келганда, сотувчи уни алмаштириб беришни ёки пулини қайтаришни рад этди.

## Носоз кир ювиш машинаси бошқасига алмаштирилди

Шундан сўнг Нафиса Олтинова Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилди. Мурожаат истеъмолчилар ҳуқуқларини исмоя қилиш жамияти вилоят ҳудудий бирлашмаси мутасаддилари томонидан ўрганиб чиқилди ва ариза

муаллифининг фойдасига қаноатлантирилиб, кир ювиш машинаси бошқасига алмаштириб берилди.

**Шавкат ҲАМРАЕВ,**  
**ҳудудий бирлашма матбуот, ахборот ва жамоатчилик билан ишлаш сектори мутахассиси.**

## Ким айтади бунини тарбия деб?

- Ҳамсоядан битта нон сўра, қизим, берамиз, дадам кечқурун олиб келади, де!  
...Ҳамсоядан озроқ мош сўра, кичири қиламиз, гугурт сўра, супургисини сўра, гўшт сўра, сўрачи, сабзиси бормикан? «Шланги»ни сўра, арра-болтасини сўра, нарвонини сўра, сўра-чи, болғаси йўқмикан, болғаси...  
Ўқувчи ўғли, қизига буюрапти она шу ишларни. Ҳар кун шу аҳвол. Ҳамма нарсаси ошиб тошиб ётибди, аммо бетартиб. Меҳрибон онаси ақалли ангишвонасини қаерга қўйганини билмайди. Ҳамсоя бир қадам... Ўрганган кўнги...»

Ахир бу ҳолатлар мактаб ўқувчисига қай хилда таъсир этади, биласизми шуни? Болани нимага ўргатаймиз ўзи? Ёш бола учун бировдан бир нима сўраш осонми? Унинг мурғак орияти, йигитлик ори, ғурури паймол бўлмайди ми?

Биласизми, руҳшуносликда бировдан бир нима сўраш эмраниш ҳисси қанчалик азобли...

Шу одатга секин-аста кўника борган мактаб ўқувчиси энди ҳеч топ тортмасдан ўз синфдошларидан аввалига битта янги дафтар сўрайди, сўнг қалам, ручка, китоб ва бошқа нарсалар. Сўрайди, ҳеч уялмасдан сўрайверади, кўникаки кетган шунга. Истаганини ололма... ўғирлайди. Мана оқибат, мана фожиа қаерда. Ота-она билмайдими бунини? Билади, албатта билади, аммо уларнинг ўзлари ҳам шунга ўрганиб кетишган.

Кимни тарбиялаш керак? Ўқувчинини ёки унинг ота-онасини?

Европада, умуман хорижда ҳам фуқаро кўшнисига ёрдан кўрсатади, одамгарчилик юзасидан, аммо ҳар кун эмасда... Бизда эса кеча олинган бўлса, ҳеч уялмасдан бугун яна сўралаверади.

«Ҳой, битта гугурт-да, шунга шунчани?»  
Энг хавфли томони бу «юзакчилик» болалар орқали амалга оширилади. Ота-она гўёки ҳеч нима кўрмагандек, билмагандек хотиржам.

**Муродим УМРЗОҚОВ.**

